

ҲИНДИСТОНДА ИСЛОМ ИЛМЛАРИ РИВОЖЛАНИШИ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.8017132>

Фаҳриддин Маманосиров

*Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом
институтини катта ўқитувчиси*

Аннотация.

Ушбу мақолада Ҳиндистон диёрида ислом илмлари, хусусан ҳадис илмининг ривожланиши ўрганилди. Ушбу тадқиқотда Анваршоҳ Кашмирийнинг илмий ишларига эътибор берилди. Шунингдек, XIX-XX асрларда яшаб ижод этган машҳур олимларнинг ижодига ҳам назар солинди.

Калит сўзлар.

Ҳадис, сунан, муҳаддис, таълиқ, дор ал-улум, мадраса, Саҳранпур.

Анваршоҳ Кашмирий яшаган давр Ҳиндистон тарихида кузатилмаган ислом илмлари юксалиш асри ҳисобланади. Бу даврда кўплаб моҳир уламолар бир неча исломий илмлар борасида китоблар ёздилар. Хусусан, Қур'он илмлари ва тафсир, ҳадис ва мусталаҳул ҳадис, фикх ва усулул фикх ва шуларга доир илмларда кўплаб китоблар ёзилди. Улар мана шу илмлар борасида кўзларни қувонтирадиган ва номларини абадий қолишида хизмат қиладиган бебаҳо илмий асарларни исломий кутубхоналарга тақдим қилдилар.

Аҳли илм ва сидқ ҳамда иймон аҳллари мадрасалар барпо қилиш ва илмий ҳалқалар ташкил қилишга қаттиқ киришдилар. Улар Қур'он ва суннатга ва уларнинг илмлари кенг тарқалишида хизмат қилиши билан бир қаторда Аллоҳ йўлидаги мужоҳид ва даъватчилар тайёрлаш, пок динни ҳимоя қиладиган ва Ҳиндистон диёрида ислом чегараларида собит турадиган авлодни етиштиришга эътибор қаратади.

Ҳақиқатда, бу диёрда кенг тарқалган мадрасалар дин, қур'он ва суннат муҳофазасида, уларнинг илм ва маърифатини инсонларга тарқатишда, саломат ва тўғри йўлга чақиришда ҳамда вайронкор даъватлар ва бузғунчи мазҳаблар босими остида қолган исломга қизиқиши уйғонган ёшларни зойе бўлиб кетишдан сақлашда муҳим рол ўйнайди. Худди шунингдек, исломий илмларда чуқур билимга эга бўлган, етук уламоларни етиштиришда ҳам таҳсинга сазовор ўрни ва фазли бор. Бу мадрасаларнинг энг аввалида

Ҳиндистон минтақасида мадрасалар асоси бўлган Девбанддаги “Дорул улум”¹ номи билан машҳур бўлган университет, Саҳаранпурдаги “Мазахирул улум”² мадрасаси, Муродободдаги Шоҳи масжиддаги Қосимийя университети³, Мелвишарамдаги Имдодийя мадрасаси, Дехлидаги Раҳмонийя мадрасаси, Лакнавдаги Дорул улум мадрасаси, Гужаратдаги Талимуддин ислом университети, ва бундан бошқа диний мадраса ва исломий жомеаларни пок шариатни ҳимоя қилиш, Қуръон ва суннатдан келиб чиққан одоб ахлоқларга риоя қилиш, исломий маданиятни тирилтириш ва исломий илмларга хизмат қилишда жуда катта ўрни ва фазли бор.

Мана шу мадрасалардан исломий илмларда чуқур билимга эга бўлган шариат уламолари етишиб чиққан. Улар орқали илм ва одоб асоси қурилган, исломий маданият гуллаб яшнаган, Ҳиндистон улар орқали бошқа кўп исломий давлатлардан устун бўлган ҳамда Ҳиндистон аҳлига ҳавас билан қараладиган макон бўлиб қолган.

Қанча-қанча хинд уламоларини исломий илмларнинг бир неча турларида ягона ҳисобланган буюк ишлари ва жуда катта хизматлари бор. Фан ва адабиёт соҳасида фаолият олиб борадиган кишилар буни нақадар буюк иш эканини эътироф этиб, тасаннолар айтади. Ислом оламидаги кутубхоналар улар ёзган китоблар билан тўлиб-тошган. Илм ва одоб истагида бўлган кишилар катта шавқ билан китобларни тўшлаб, улардаги маълумотларни билишга интиладилар.

Исломий илмларнинг барча соҳаларида уларнинг ёзган китоблари ва қилган хизматларини ҳисоблашни ўзи жуда қийин ишлардан саналади. Чунки, уларнинг бири бутун умматни ишига тенг келадиган катта-катта ишларни қилиб кетган. Қуръондан кейинги энг асосий манбалиги эътиборидан ҳадис илми ва унга алоқадор илмлар борасида ёзилган китоблар муҳим ҳисоблангани учун оз қисмини зикр қилиш билан kifояланамиз. Анваршоҳ Кашмирий даврларида ҳадис илми борасида ёзилган муҳим китобларнинг баъзисини келтириб ўтаемиз:

1. “Осорус Сунан” китобини Аллома, муҳаддис Зоҳир Шавқ Наймавий таълиф қилган. У киши ҳижрий 1325-йили вафот этган. Муаллиф бу китобда фикҳий мазҳаблар ихтилофига кўра таҳорат ва намозга доир ҳадисларни жамлаган. Муҳаддислар йўлига кўра ҳар бир ҳадиснинг жарҳ ва

¹ Машур уламолар томонидан ҳижрий 1283-йилда асос солинган.

² Ҳижрий 1283-йилда асос солинган.

³ Шайх Муҳаммад Қосим Нанутий ҳижрий 1296-йилда асос солинган.

таъдили ҳақида гапириб ўтган. Худди шу услубга кўра фикхий бобларни охиригача етказишни ният қилган эди. Лекин орзулари амалга ошмасдан вафот этиб қолди.

Анваршоҳ Кашмирий бу китобга ҳошия ва таълиқ ёзган. Бу эса китобнинг гўзаллиги ва фойдасини янада зиёда қилди.⁴

2. “Ат-таълиқ ҳасан ала асарис сунан” бу ҳам Шайх Наймавийнинг китоблари.

Бу таълиқ “Осорус Сунан” китобига шарҳ ўрнида ўтади ва яна бу таълиқ масалалар борасида келтирилган ҳадисларни ҳужжат қилиб келтиришда мутолаа қилувчининг зеҳнида ўрнашиб қолган шубҳаларни шарҳлаб беради. Мана шу орқали бу китоб аслидан 2 баробар кўпайиб кетган.⁵

3. “Базлул мажҳуд фий шарҳи сунани Абу Довуд” бу китобни шайх, муҳаддис, аллома Халил Аҳмад Саҳаранфурий таълиф қилган. У киши Мадинаи мунавварага ҳижрат қилган ва ҳижрий 1246-йили вафот этган.

Шориҳ бу китобни шарҳлашга 10 йилдан ошиқ вақт сарфлаган. Бу шарҳ Сунани Абу Довуд шарҳлари орасида тенги йўқ бўлган барча маълумотларни ўзида мужассам этган шарҳ ҳисобланади. Бу эса муаллиф ҳадис илмлари борасида чуқур билимга эгаллигини ифода этади.⁶

4. “Авнул Маъбуд шарҳи Сунани Абу Довуд” бу китобни аллома, муҳаддис Абу Тоййиб Муҳаммад Шамсул Ҳақ Азимободий таълиф қилган. У киши ҳижрий 1329-йили вафот этган.⁷

Бу китобни таълиф қилишда у кишига “Тухфатул Аҳвазий” китоби соҳиби муҳаддис Абдурраҳмон Муборакфурий шерик бўлган.

У кишининг Сунани абу Довудни шарҳи борасида бошқа китоби ҳам бор. Уни “Ғоятул Мақсуд” деб номлаган. Лекин тўлиқ бўлмаган.

5. “Анварул Маҳмуд фий шарҳи Сунани Абу Довуд” китобини муҳаддис, аллома Абдулҳодий Муҳаммад Сиддиқ Нажибободий таълиф қилган. У киши милодий 1977-йили вафот этган.⁸

6. “Алкавқабуд дурий ала Жоме ат-Термизий” бу Рашид Аҳмад Гангухий⁹ дарсларидан жамлаб олинган. Гангухийнинг диний илмларда

⁴ Бу ҳошия китобнинг асли билан Караташийда нашр қилинган.

⁵ Бу таълиқ китобнинг асли билан Покистонда нашр қилинган.

⁶ Бу китоб Маккадаги Имдодий мактабасида 20 мужалладда нашр қилинган. Бу китоб ҳадис олимлари орасида кенг тарқалган.

⁷ Мисрдаги Силафийя мактабасида 13 мужалладда нашр қилинган.

⁸ Бу шарҳ биринчи Дехлида ҳижрий 1356-йили Жамол матбаъасида нашр қилинган. Сўнг қайта нашр қилинмаган.

⁹ Раҳид Аҳмад Гангухий: Рашид Аҳмад ибн Ҳидоят Аҳмад Анасорий мудаққиқ ва муҳаққиқ уламолардан бири бўлган. У яшаган даврда сидқ, ифбат, таваккул ва динни чуқур тушунишда унга ўхшаши топилмаган. У ҳижрий

мохир шогирди Муҳаммад Яҳё Кандехлавий жамлаган. Сўнгра бунга унинг ўгли Шайх Муҳаммад Закариё таълиқ ёзган. Манфаати янада зиёда бўлган.¹⁰

7. “Арфуш Шазий ала Жоме ат-Термизий”¹¹ Шайх Анваршоҳ Кашмирий дарсларининг жамланмаси ҳисобланади. Буни дарс асносида шогирди Сирож Муҳаммад жамлаган.

8. “Тухфатул Аҳвазий шарҳи Жоме лит-Термизий” бу китобни муҳаддис, аллома Абдуррахмон Муборакфурий таълиф қилган. Бу китоб ҳадис уламолари орасида мақбуллик ва манзурлик даражасига етган. Шу китоб орқали муаллиф ҳадис илмида етук илмга эга экани ва ҳилоф масалаларда ҳам мохир ва чуқур илм соҳибии экани намоён бўлади. Шорих бу китобида Ҳофиз Ибн Ҳажар ва Шавкониёлардан кўп гапларни келтирган.

Муаллифнинг ўзи бу шарҳга қисқа ва содда муқаддима ёзган. Муқаддимада ҳам жуда кўп фойдалар бор ва яна муқаддима ҳадис илмига тегишли бир неча бобларни ҳам ўз ичига олган.¹²

9. “Маорифус Сунан фий шарҳил Жоме лит-Термизий” китобини шайх, муҳаддис, адиб Муҳаммад Юсуф Баннурий таълиф қилган. Шорих ҳар бир ҳадиснинг санади ва матни ҳақида гапиргани, ҳилофли фикҳий масалаларни батафсил баён қилгани ва очиқ-ойдин ҳужжатлар орқали фикҳий масалаларнинг рожиҳ қовлини баён қилгани билан бу китоб бошқаларидан афзал ҳисобланади. Худди гўзал ва осон лафзлари ва мохирона янгича услуби билан афзал бўлгани каби. Чунки, шорих араб тилида нутқ қилиш ва ёзиш борасида чуқур билимга эга бўлган.¹³

10. “Фатҳул Мулҳим фий шарҳи ас-Саҳиҳи Муслим” китобини буюк муҳаддис ва муфассир, аллома Шаббир Аҳмад Усманий таълиф қилган. У киши милодий 1949-йили вафот этган. Мана шу китобни ўқиган киши муаллиф роҳимахуллоҳ ҳар бир масалага инсоф билан ёндошганларини кўради. Муаллиф боблардаги ҳадисларни жуда гўзал тарзда шарҳлаган. Тадқиқ қилинмаган бирорта фикҳий баҳс қолмаган. Боблардаги ҳадисларга тааллуқли бўлган масалаларни ҳам таҳқиқ ва тавзиҳ қилиб, батафсил баён

1244-йили таваллуд топган. “Зубдатул Маносик” ҳам ёзган китобларидан бири ҳисобланади. У киши ҳижрий 1323-йили вафот этганлар. Қаранг: “Нузҳатул Хавотир” 8/148.

¹⁰ Бу китоб дастлаб ҳижрий 1385-йили икки мужалладда, сўнгра Лакнодаги дорул улум надватул уламо матбаъасида тўрт мужалладда нашр қилинган.

¹¹ Бу китоб бир мужалладда нашр қилинган.

¹² Бу китоб Ҳиндистон ва бошқа давлатларда бир неча бор нашр қилинган. Китоб ҳадис уламолари орасида кенг тарқалган.

¹³ Бу шарҳ Караташийдаги малиси илмий томонидан олти мужалладда нашр қилинган. Шорих китобни тўлиқ шарҳлашдан олдин ҳижрий 1397-йили вафот этиб қолган.

қилинган.¹⁴ Шорихнинг ўзи мана шу шарҳ учун усулул ҳадис илмини жамлаган муқаддима ёзган. Муқаддимани ўқиган киши қолган баҳсларни тушунишда қийинчиликка дуч келмайди.¹⁵

11. Анваршоҳ Кашмирий яшаган даврда ҳадис борасида ёзилган энг муҳим китоблардан яна бири Шайх Зафар Аҳмад Таҳонавийнинг “Елои ус-сунан” китобидир. Таҳонавий ҳижрий 1362-йили вафот этган. Мана шу ажойиб қимматбаҳо китоб 20 йил давомида таълиф қилинган. Муаллиф бу муддатда эртай-у кеч асл манбалардан аҳком ҳадисларни боблар остига Аллоҳнинг тавфиқи билан жуда гўзал тартибда жойлаштирган.

12. “Инҳаус сакан ила ман ютолиъу Элои ус-сунан” Бу китоб “Елои ус-сунан” китоби соҳиби икки жузда ёзган китобининг муқаддимаси ҳақида ёзилган. Биринчи жуз: фикҳий мавзуларга тегишли, иккинчи жуз эса: ҳадис илмига оид мавзуларга тегишли. Мана шу иккинчи жуз “Қоваиду фий улумул ҳадис” номида Шайх Абдулфаттоҳ Абу Гудданинг таҳқиқлари билан нашр қилинган. Шайх Абдулфаттоҳ Абу Гудда бу муқаддима ҳақида шундай дейдилар: “Таҳонавийнинг бу китоблари мақоми юксак, қадрли баланд, фойдаси кўп китоб. Боблари ҳам жуда гўзал тартибда келтирилган. Китоб муаллифи бошқа кўплаб мусталаҳус ҳадис китобларида қолиб кетган маълумотларни чиройли тартибда жамлаган.”

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР:

1. Абдулҳай Лакнавий. Нузхатул хавотир. –Байрут:Дорул ибн Ҳазм.1420.Ж.8. –Б.1198;
2. Абул Фаттоҳ Абу Гудда.Муқаддимату ала “Атгасрийҳу бима тавотара фий нузули Масийҳ ли Анвар Шоҳ Кашмирий. – Байрут: Дорул қалам. 5 нашр, 1412.–Б.13.
3. Аллома Анвар Шоҳ Кашмирий. Атгасрийҳу бима тавотара фий нузули Масийҳ.–Байрут:Дорул қалам.5 нашр.1412. –Б.14.
4. Кашмирий. Расоилу имом Кашмирий. –Каротиший:Идоратул Қуръон.1 нашр.1416.Ж.1. –Б.343.
5. Юсуф Баннурий. Нафхатул анбар фи хаяти Анвар.– Каротиший:Мактабатул Баннурийя.2 нашр.1424.–Б. 349.
6. Анзаршоҳ Кашмирий. Ҳаёту Кашмирий. 436 бет.

¹⁴ Муаллиф учинчи мужалладни тугатиб, тўртинчи мужалладни бошлаётганларида сиёсий вазиятлар туфайли китобни тўлиқ шарҳлай олмади. Муҳаммад Тақий Усманий шарҳни охирига етказиб қўйдилар. Шарҳ уч мужаллад бўлиб, Караташийда нашр қилинди.

¹⁵ Бу муқаддима Шайх Абдулфаттоҳ Абу Гудданинг таҳқиқ ва таълиқлари билан кенг тарқалган.

7. Абдулхай Лакнавий. Нузхатул хавотир. –Байрут:Дорул ибн Ҳазм.1420.Ж.8. –Б.1198.
8. Абдурахмон Кунду.Тақаддусу Анвар.-Каротиший.Жамоатул исломийя аҳсанул улум.2003.-Б.214 – 215.
9. Муҳаммад Абдуллоҳ Ансорий. “Аш-шайх Муҳаммад Анвар Шох Кашмирий ароухул иътиқодийя”. Уммул қуро университети. Макка 2000. – Б. 400.
10. Мустафо Собрий Афандий. Мавқифу-л-ақл вал илм вал олам мин роббил оламин. Мактабатул асрийя. 2012 – Б. 2019.